

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи ярмида тафтиш
инстанциясида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи ярмида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2025 йилда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 5 575 та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) келиб тушган бўлиб, шундан 1 242 таси қайтарилган, 350 таси иш юритишга қабул қилиш рад этилган, 3 548 таси судьялар томонидан ўрганиб чиқилиб, шундан 3 184 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган ва 363 таси тафтиш инстанциясида кўриб чиқилган.

Келиб тушган шикоятларнинг 1 639 таси фуқаролик иши асосида ўрганилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишлар сони ўтган йилга нисбатан 136 тага кўпайган (2024 йилда 227 та кўрилган).

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 135 таси (37,2 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 53 таси (14,6 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 171 таси (47,1 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 2 та (0,6 фоиз) тафтиш шикояти иш юритишдан тугатилган ҳамда 2 та (0,6 фоиз) тафтиш шикояти кўрмасдан қолдирилган.



Суд қарорлари бекор қилинган 171 та ишларнинг 110 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 48 та суд ҳужжатлари (18 таси апелляция, 10 таси кассация инстанцияларига) янгидан кўриш учун юборилган, 3 та даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган, 4 та фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тугатилган, 6 та фуқаролик иши бўйича юқори инстанция ажримлари бекор қилиниб, аввалги суд ҳужжатлари кучида қолдирилган.

Суд қарорлари ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой, Меҳнат ва Фуқаролик процессуал кодексларида белгиланган нормаларнинг нотўғри талқин қилинганлиги ва (ёки) нотўғри қўлланилганлиги сабаб бўлган.

Қуйида тафтиш инстанцияси томонидан бекор қилинган ва ўзгартирилган суд ҳужжатларидан айрим мисоллар келтирилади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Апелляция тартибидаги шикоятнинг судья томонидан ФПКнинг 385¹-моддаси талаби нотўғри қўлланган ҳолда қабул қилиш рад этилганлиги суд ажримининг бекор қилинишига сабаб бўлган.

ФИБ Чироқчи туманлараро судининг 2022 йил 14 декабрдаги ажрими билан аризачи Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармасининг ижро варақаси дубликати бериш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Мазкур иш юзасидан жавобгар У. апелляция тартибидаги хусусий шикоят билан мурожаат қилиб, шикоят бериш муддатини тиклашни сўраган.

Қашқадарё вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 14 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган шу суд судьясининг 2024 йил 27 декабрдаги ажримида кўра, апелляция шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилмасдан, шикоятни иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судья ўтказилган муддатни узрли деб топиш ҳақидаги илтимосномани рад қилишда, ФПКнинг 385¹-моддасида белгиланган муддатлар ўтказиб юборилганлигига асосланган.

Вилоят суди тафтиш инстанцияси, фуқаролик иши биринчи инстанция судида кўрилганда жавобгар иштирок этганлиги ва қабул қилинган ҳал қилув қароридан хабари бўлганлиги билан қўшимча асослантирган ҳолда мазкур хулоса билан келишган ва суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирган.

Судлов ҳайъати қуйидагиларга асосан ушбу хулоса билан келишмаган.

Хусусан, ФПК 385¹-моддасининг учинчи қисмига кўра, апелляция шикоят (протести) суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддат, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва муддатни ўтказиб юбориш сабаблари узрли деб топилган бўлса, апелляция шикояти (протести) бераётган шахснинг илтимосномасига кўра апелляция инстанцияси судининг судьяси томонидан тикланиши мумкин.

Бироқ, мазкур Кодекс 400-моддасининг биринчи қисмига асосан, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар биринчи инстанция судининг ажримлари устидан суд томонидан ажрим топширилган ёки юборилган кундан эътиборан йигирма кун ичида апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилиши ва прокурор протест келтириши мумкин.

Биринчи инстанцияси суди ижро варақасининг дубликати бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда, мазкур процессуал қонун талабига амал қилмаган, яъни аризани кўриш куни ва жойи ҳақида жавобгарни хабардор қилмаган ва ушбу масалада чиқарган ажримини унга юбормаган (топширмаган).

Апелляция инстанцияси судьяси эса, шикоят бериш муддатини тиклаш масаласини кўриб чиқишда, ФПКнинг 400-моддаси талабларига асосланиши лозим бўлса-да, Кодекснинг 385¹-моддасига ҳавола қилиб, процессуал хатоликка йўл қўйган, тафтиш инстанцияси суди ҳам мазкур ҳолатга эътибор қаратмаган.

Бундан ташқари, жавобгар иш юзасидан мазмунан қабул қилинган ҳал қилув қарорини эмас, балки биринчи инстанция судининг ажримига нисбатан шикоят келтирганлиги, бундай ажримларни шикоят қилиш муддати ажрим чиқарилган ва тараф ундан хабар топган кундан эмас, балки суд томонидан юборилган ёки топширилган кундан ҳисобланади.

Шунга кўра, Олий суд ФИБ судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси мазкур иш юзасидан шикоятни қабул қилиш масаласида чиқарилган суд ҳужжатларини бекор қилиб, шикоят келтириш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириб, апелляция тартибида хусусий шикоят бериш муддати тиклашни ва шикоятни кўриб чиқиш учун апелляция инстанцияси судига юборишни лозим топган.

2-1806-1801/2372-сонли иш

Суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилган бўлса, суд

**хужжати ФПК 372⁴-моддаси
иккинчи қисмининг 4-бандига
асосан бекор қилинишига асос
бўлади.**

Даъвогар А. жавобгар Ю.га нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Фарғона шаҳар, Юксалиш (Қувасой) кўчаси, 207-уйдаги 29-хонадонга эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Фарғона вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 9 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2025 йил 2 майдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвони қаноатлантириш рад қилинган.

Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 9 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Фарғона шаҳри, Юксалиш кўчасида жойлашган 207-уйнинг 29-хонадони 1993 йил 9 июндаги олди-сотди шартномасига асосан жавобгар Ю.га тегишли.

Ишдаги мавжуд Фарғона шаҳри, Юксалиш кўчаси, 207-уйда яшовчи фуқаролар иштирокида тузилган далолатномада, низоли хонадонда 1994 йилдан бошлаб, даъвогар А. оила аъзолари билан яшаб, шу кунга қадарли фойдаланиб келаётганликлари қайд этилган.

Судлар даъвони қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисидаги ҳулосасини даъвогар мазкур уйдан узлуксиз фойдаланиб келганлигини тасдиқловчи етарли далилларни судга тақдим эта олмаганлиги, турар жойга нисбатан даъвогарни мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун асосларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда даъвогар ва учинчи шахс ўртасида шартномавий муносабатнинг мавжудлиги билан асослаган.

Судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра, судларнинг даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳулосаси билан келишмаган.

Хусусан, ҳал қилув қарорида Ю.ни аниқ яшаш манзили номаълум бўлганлиги боис, фуқаролик иши уни иштирокисиз ФПКнинг 164-моддасига асосан кўрилганлиги акс эттирилган.

Лекин, судлов ҳайъати томонидан ишни кўриш давомида электрон маълумотлар базасидан олинган маълумотга кўра, жавобгар Ю. 2014 йилда Фарғона шаҳрида вафот этган. Фарғона шаҳар 1-сонли ФХДЁ органидан олинган маълумотга асосан Ю. 1963 йилда Н. исмли шахс билан қонуний никоҳдан ўтган бўлиб, уларнинг никоҳи 86-сонли далолатнома билан рўйхатга олинган.

Биринчи инстанция суди эса бу ҳолатларни аниқламаган ва марҳум Ю.нинг биринчи навбатдаги меросхўрлари, яъни турмуш ўртоғи ва фарзандларини ишга жалб қилиш чораларини кўрмаган.

Судлов ҳайъати қуйи инстанция судлари томонидан низони ҳал қилишда ишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала ҳал қилиниб, процессуал хатоликка йўл қўйилганлигини инобатга олиб, мазкур иш юзасидан қабул қилинган апелляция ва тафтиш инстанцияларининг ажримларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборишни лозим топган.

2-1501-2508/12127-сонли иш

Суд ҳужжатининг чиқарилишига сабаб бўлган бошқа орган қарорининг ўзгартирилиши янги очилган ҳолат бўлиб ҳисобланмайди.

Аризачи Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2024 йил 28 октябрдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришни сўраган.

Сирдарё вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 24 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2024 йил 26 декабрдаги ажримига кўра, ариза қаноатлантирилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори янги очилган ҳолат бўйича бекор қилинган.

Сирдарё вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 10 сентябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра, суд ҳал қилув қарорининг, ҳукмининг, ажримининг ёки қарорининг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа орган қарорининг бекор қилиниши ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатлари ва аризадан келиб чиққан ҳолда, аризачининг аризасида кўрсатилган ҳолатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 октябрдаги 661-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарорига ўзгартириш киритилганлигини янги очилган ҳолат сифатида баҳолаб, аризани қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Кассация ва тафтиш инстанцияси судлари ҳам иш ҳолатларига тўғри баҳо бермасдан биринчи инстанция судининг мазкур хулосаси билан келишган ҳолда хатоликка йўл қўйган.

Чунки, аризачининг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиш ҳақидаги юқорида қайд этилган важлари янги очилган ҳолат ҳисобланмайди.

Ваҳоланки, ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди талабига мувофиқ, янги очилган ҳолат деб, аризачига маълум бўлмаган ёки суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бошқа орган қарорининг бекор қилиниши суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатларини бекор қилиб, аризачининг аризасини қаноатлантиришдан рад этишни лозим топган.

2-1201-2406/15462-сонли иш

Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Даъвогар Ш. жавобгар Б.га нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2024 йил 29 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Ш.нинг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Сурхондарё вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 26 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган шу суд апелляция инстанциясининг 2025 йил 7 январдаги ажримига кўра, ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогар Ш.нинг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, даъвогар Ш.ни бир нафар вояга етмаган фарзанди билан “Меҳнатобод” МФЙ, Тараққиёт кўчаси 29-уйга яшаш учун киритиш белгиланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар Ш. билан жавобгар Б. қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлар.

Уларнинг турмушларидан 2022 йилда туғилган бир нафар вояга етмаган фарзандлари бор.

Даъвогар Ш. низоли уй-жойга 2021 йил май ойида келин бўлиб тушиб, ноябрь ойига қадар жавобгар Б. билан бир оила бўлиб яшаган ва оилавий келишмовчиликлар сабабли уйдан чиқиб кетган.

Биринчи инстанция суди даъвогар Ш. 2021 йил октябрь ойида низоли хонадондан ўз хоҳишига кўра чиқиб кетганлигини, шу вақтдан бошлаб ушбу хонадонда яшамаслигини ва уй рўйхатида турмаслигини, суднинг 2022 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан мол-мулклари олиб берилганлигини, даъвогар Ш. уйга киритиш борасида қонунда белгиланган муддат давомида судга мурожаат қилмаганлигини, даъвогар низоли хонадонда яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолувчи шахслар қаторига кирмаслигини инобатга олиб, даъво аризани рад қилиш ҳақида ҳулосага келган.

Бирок, апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг хулосаси билан келишмасдан, тарафлар ўртасида бир нафар вояга етмаган фарзанд борлиги, низоли уйда 2021 йил октябрь ойига қадар яшаб келганлиги, ўрталаридаги никоҳ бекор қилинмаганлиги, шу сабабли даъвогар жавобгарнинг оила аъзоси ҳисобланиши, низоли уйдан фарзанди билан биргаликда фойдаланишга ҳақли эканлиги, даъвогар низоли уйга жавобгарнинг қаршиликлари сабабли кириб яшай олмаётганлиги ҳақидаги хулосага келиб, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

Вилоят суди тафтиш инстанцияси ҳам апелляция инстанциясининг ушбу хулосаси билан келишган.

Олий суд тафтиш инстанцияси куйидагиларга асосан апелляция ва тафтиш инстанцияларининг ушбу хулосалари билан келишмаган.

Хусусан, муқаддам суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Ш.нинг жавобгар Б.га нисбатан мол-мулкни олиб бериш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига шахсий фойдаланувидаги мол-мулклар олиб берилган.

Бундан ташқари, даъвогар ўз даъво аризасида низоли уйдан 2021 йил октябрь ойида чиқиб кетганлигини кўрсатган ва даъво аризасига илова қилган далолатномада ҳам унинг низоли уйда етти ой яшаб чиқиб кетганлиги қайд қилинган.

Демак, даъвогар Ш.нинг қонунда белгиланган муддат давомида уйга киритиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилмаганлиги, уй рўйхатида эмаслиги унинг даъво талаби асоссиз эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 52-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Шунга кўра, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан даъвогар Ш.нинг уйга киритиш ҳақидаги даъво талаби моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилган ҳолда асосли рад қилинган, деб ҳисоблаб, 2025 йил 24 июлдаги ажрими билан апелляция ва тафтиш инстанцияларининг ажримларини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

2-1902-2450/9510-сонли иш

Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат мажбуриятларининг бир

**марта қўпол равишда
бузилишлари меҳнат
мажбуриятлари бузилган вақтда
амалда бўлган ички меҳнат
тартиби қоидаларига асосан
белгиланиши лозим.**

Даъвогар Д. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, “У.А.” АЖнинг 2024 йил 19 июндаги хизмат текшируви далолатномаси, “Т.А” МЧЖнинг 2024 йил 4 сентябрдаги 259/sh-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиб, бекор қилишни ва ишга тиклаб, мажбурий прогул кунлари учун ҳақ ундиришни сўраган.

Хоразм вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 3 мартдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган ФИБ Урганч туманлараро судининг 2024 йил 19 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари рад қилинган.

Хоразм вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 29 майдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, “У.А.” АЖ раисининг 2024 йил 5 июндаги 263-сонли буйруғига асосан хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия тузилган.

Хизмат текшируви якуни бўйича даъвогар Д. ходимларни назорат қилишда сусткашликка йўл қўйганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тавсия қилинган.

Шунга кўра, иш берувчининг 2024 йил 4 сентябрдаги 259/sh-сонли буйруғига асосан даъвогар Д. билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Судлар даъвогар Д.нинг даъво талабларини муҳокама қилиб, уни қаноатлантириш учун қонуний асослар мавжуд эмас, деб ҳисоблаб, даъвони рад этиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки, суд ҳужжатлари ва судлов ҳайъати томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, 2024 йил 19 июнда хизмат текшируви далолатномаси тузилган санада амалда бўлган жамият ички меҳнат тартиби қоидаларида даъвогар Д. билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келган хатти-ҳаракатлар назарда тутилмаган.

Меҳнат кодекси 161-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига кўра, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат мажбуриятларининг бир марта қўпол равишда бузилишлари мазкур Кодекснинг 162-моддаси талабига кўра, меҳнат мажбуриятлари бузилган вақтда амалда бўлган ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан белгиланишини тақозо этади.

Шунингдек, Меҳнат кодекси 303-моддасининг иккинчи қисмида хизмат текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишга иш берувчи ҳақлилиги белгилаб қўйилган.

“Т.А” МЧЖнинг 2023-2026 йиллар учун тасдиқланган Жамоа шартномасига мувофиқ, даъвогар Д.нинг иш берувчиси бўлиб “У.А.” АЖ эмас, балки “Т.А” МЧЖ ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатларга кўра, даъвогар Д.га нисбатан хизмат текшируви ғайриқонуний равишда тайинланиб, ўтказилганлиги, у билан тузилган меҳнат шартномаси ушбу хизмат текшируви далолатномасига асосан бекор қилинганлиги, бу билан иш берувчи томонидан Меҳнат қонунчилиги талаблари бузилганлиги сабабли Олий суд ФИБ судлов ҳайъатининг 2025 йил 25 ноябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, жавобгар “У.А.” АЖнинг 2024 йил 19 июндаги хизмат текшируви далолатномаси ва “Т.А” МЧЖнинг 2024 йил 4 сентябрдаги 259/sh-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиб, бекор қилиш, даъвогар Д.ни ишга тиклаш ва жавобгар “Т.А” МЧЖ ҳисобидан даъвогар Д.нинг фойдасига мажбурий прогул кунлари учун ҳақ ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

2-2201-2408/12905-сонли иш

**Неустойканинг энг кам миқдори
Фуқаролик кодексининг
327-моддасида кўрсатилган
фоизлар миқдоридан кам
бўлмаслиги лозим.**

Даъвогар Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар М.дан 511 901 409 сўм асосий қарз ва унга ҳисобланган 262 028 141 сўм пеняни ундиришни сўраган.

Фарғона вилоят суди ФИБ судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 3 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2024 йил 18 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар М.дан даъвогар Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг фойдасига 5 000 000 сўм пеня ва 20 676 057 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 12 мартдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Фарғона шаҳар, “Ўрмончилар” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 306-уйда жойлашган собиқ автогараж бино-иншоотларини сотиш юзасидан “сотувчи”- Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси, “харидор” -М. ва

“балансда сақловчи” - Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси иштирокида олди-сотди шартномаси тузилган.

Шартноманинг 3.1-бандига асосан жами тўловлар қиймати 3 113 062 050 сўмни ташкил қилиб, харидор томонидан олдиндан тўланган 1 118 526 840 сўм тўловнинг бир қисми сифатида қабул қилиниб, қолган 1 994 535 210 сўмни 4 ой давомида, ҳар ойда 498 633 803 сўмдан тўлаб борилиши белгиланган.

Мазкур шартноманинг 5.2 бандига кўра, харидор томонидан объект қабул қилиб олганидан сўнг, объектни сотиб олиш тўловлари ўз вақтида тўланмаган тақдирда, харидор ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида тўланмаган тўловларнинг 0,4 фоизи, лекин ўз вақтида тўланмаган тўлов қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда сотувчига пеня тўлаши қайд этилган.

Аниқланишича, жавобгар М. томонидан 2023 йил 11 октябрга қадар тўланиши лозим бўлган 498 633 803 сўм тўлов 7 кунга, 2024 йил 11 январга қадар тўланиши лозим бўлган 498 633 803 сўм тўлов 54 кунга, 2024 йил 11 апрелга қадар тўланиши лозим бўлган 498 633 803 сўм тўлов 53 кунга ва 2024 йил 11 июлга қадар тўланиши лозим бўлган 498 633 803 сўм тўлов эса 38 кунга кечиктирилган ва ушбу давр учун даъвогар томонидан 262 028 141 сўм миқдорида пеня ҳисобланган.

Бироқ, шартноманинг 5.2 бандига кўра, харидор ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида тўланмаган тўловларнинг 0,4 фоизи, лекин ўз вақтида тўланмаган тўлов қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда сотувчига пеня тўлашини инобатга олиб, жавобгар даъвогарга $(511\,901\,409 : 2 =)$ жами 255 950 705 сўм пеня тўлаши лозим.

Судлар пеняни ҳисоблашда қуйидаги моддий ҳуқуқ нормаларига эътиборини қаратмаган.

Жумладан, “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 34-моддасининг бешинчи қисмига кўра, харидор хусусийлаштириладиган давлат мулканинг олди-сотди шартномаси шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ваколатли давлат органига хусусийлаштириладиган давлат мулканинг олди-сотди шартномасида белгиланган миқдорда неустойка тўлаши шарт.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандига кўра, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли. Бироқ, неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги баён қилинган.

Мазкур ҳолатда, судлар шартноманинг 5.2-бандида қайд этилган келишувга асосланмасдан, пеня суммасини ФК 327-моддасида белгиланган банк фоизининг ҳисоб ставкасидан анча паст бўлган суммада пеня ҳисоблаб барвақт хулосага келган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатларини ўзгартиришни ва жавобгарнинг мулкӣ аҳволи ёмонлашганлиги ҳақида далил тақдим этилмаганлиги, бироқ, жавобгар шартнома шартларидаги асосий қарз суммасини суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар бартараф этганлигини инобатга олиб, жавобгар М.дан даъвогар фойдасига 130 000 000 сўм пеня ундиришни лозим топган.

2-1502-2405/17878-сонли иш

**Фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати**